Биография

Абдулҳамид Нурмонов



Бўлажак олим 1942 йилда Андижон вилоятининг Ўрмонбек қишлоғида таваллуд топган. У ўрта мактабни тугатиб, Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида таҳсил олди. Ҳарбий хизматни ўтаб келгач, Андижон педагогика институти (ҳозирги АнДУ)га келди. Ушбу ўқув даргоҳидаги 35 йиллик фаолияти давомида А.Нурмонов ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчилигидан профессори даражасигача кўтарилди. У декан, махсус фанларни ўқитиш ва ўзбек тилшунослиги кафедрасида мудир, университетнинг илмий ишлари бўйича проректори лавозимларида хизмат қилди. 1974 йилда “Ўзбек тилидаги товуш ўзгаришларида экономия принципи” мавзусида номзодлик, 1983 йилда таниқли олим А.Ғуломов раҳбарлигида “Ўзбек тили синтаксисини система сифатида ўрганиш муаммолари” мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлади.

А.Нурмонов тилшунос олим сифатида нафақат мамлакатимизда, балки бутун туркологияда ўзининг салмоқли ва сермаҳсул илмий ишлари билан таниқлидир.

А.Нурмоновнинг илмий тадқиқотлари доираси тилшунослик тарихи, фонология, морфология, лексикология, лексикография, лингвопоэтика, тилшунослик назарияси, тил фалсафаси, психолингвистика каби тилшуносликнинг турли йўналишлари бўйича яратган 30 дар ортиқ рисола, дарслик ва ўқув қўлланмалари, 500 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақола ва тезислари буни яққол кўрсатиб туради.

А.Нурмонов илм-фан ривожи, етук тилшунос кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун “Шуҳрат медали”, “Халқ маорифи аълочиси” мукофотлари билан тақдирланган.

Асарлари:

1980 Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари

1982 Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка, Тошкент.

1988 Гап ҳақида синтактик назариялар., Тошкент.

1990 Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси., Тошкент.
Лингвистик белги хусусиятлари ҳақида

1992 Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси., Тошкент.

1995 Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис (ҳаммуаллифликда).

2001 Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология (ҳаммуаллифликда).
Тилшунослик ва табиий фанлар
Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати., Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.